



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 24 март, № 58 (4211)

Шанба



Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан юртимизда тадбиркорлик, фермерлик ва хунармандликни ҳар томонлама ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашнинг мустаҳкам ҳуқуқий ва иқтисодий замини тобора мустаҳкамланмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти саврини учун ўтказиб келинаётган «Ташаббус» кўрик-танловининг ҳам алоҳида ўрни бор. Ҳар йили танловнинг туман, вилоят ва мамлакат босқичлари ўтказилиши жараёнида соғлом рақобат мустаҳкам қарор топмоқда.

«ТАШАББУС-2007»:



## ЯКУНИЙ БОСҚИЧ БОШЛАНДИ

Пойтахтимизнинг «Ўзқўрғазмасавдо» мажмуида бошланган «Ташаббус-2007» кўрик-танлови якуний босқичнинг очилишида мамлакатимизнинг энг фаол тадбиркору фермерлари ва хунармандлари, давлат ва жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов, Ўзбекистон давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси раиси Д.Мусоев ва бошқарув мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида ҳусусий тармоқни жадал ривожлантиришга қаратилган ушбу эътибор ўзининг самарасини бераётганини алоҳида таъкидлашди. Кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик корхоналари сони буғунги кунга келиб 350 мингга етди. Бу тузилмаларнинг мамлакат яли ички маҳсулотидagi улуши 42,1 фоиздан ошди. Иқтисодийта банд бўлган аҳолининг 70

фоиздан ортиги ушбу секторда фаолият юритмоқда.

... Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда ғойибликни қўлга киритган тадбиркор, фермер ва хунармандлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўрғазмаси мажмуининг кенг майдонини эгаллаган. Замонавий саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган, фермер хўжалиқларида етиштирилган ва қўлизу хунармандлар томонидан тайёрланган ранг-баранг маҳсулотлар кўзни қувонтирди.

«Ташаббус-2007» кўрик-танлови ғойиблари ҳар йилдек «Энг яхши тадбиркор», «Энг яхши фермер», «Энг яхши хунарманд» йўналишлари бўйича аниқланади. Шу билан бирга, «Энг яхши экспортчи корхона», «Самарали корпоратив бошқарувни ташкил этган энг яхши хўжалик», «Энг мурувватли

тадбиркор», «Энг яхши пахтакор фермер», «Энг яхши ғаллакор фермер» каби янги номинациялар ҳам жорий этилган.

Кўрик-танловнинг якуний босқичи икки кун давом этади. Ғойибларни аниқлаш мақсадида ташкил этилган нуфузли ҳайъат аъзолари бу мўддатда барча номзодлар ва уларнинг маҳсулотлари билан яқиндан танишиб, энг яхшиларини танлаш имконига эга бўлади.

Тадбирнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А.Орипов иштирок этди.

Н.АБДУРАИМОВА,  
Ў.А. МУХБИРИМОВА

СУРАТЛАРДА: кўрик-танловдан лавҳалар. Темури ҚҮРБОНОВЕВ олган суратлар.

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Кеча Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан «Кучли ижтимоий ҳимоя — демократик жамиятнинг асосий тамойили сифатида» мавзусида конференция ўтказилди.



## Эзгу ишлар ижобати йўлида

Унда мустақиллик йиллари юртимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида амалга оширилаётган эзгу ишлар, бундай ижтимоий сийёсатнинг Ўзбекистонга, жамиятимизга хос жиҳатлари, мазмун-моҳияти ҳақида фикр юритилди. Анжуманда Юртбошимизнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури тўғрисида»ги Қарориди белгиланган вазифаларнинг амалдаги ижросига жамиятимизда жуда катта эътибор қаратилаётгани

таъкидланди. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада тақомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳам мана шу эзгу ишларни самарали амалга оширишда муҳим омил бўлганлиги ҳақида сўз борди. Ушбу Фармонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этишда аниқ йўналтирилган ва табақалашган ёндашувни кучайтириш,

кўрсатилаётган моддий ёрдамнинг мақсадлилигини таъминлаш, уни, ҳақиқатан ҳам, эҳтиёжман оилаларга бериш ҳамда бу борада ошкоралик муҳитини таъминлашга урғу берилгани эътироф этилди. Республикаимиздаги нуфузли давлат, нодавлат ташкилотлари ва идоралар вакиллари иштирок этган мазкур анжуман якунида мутасадди ташкилотлар учун тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

## Давлат бошқарувининг қонуний асослари

Шу кунги куйи палатада Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасида маъмурий процедураларни тартибга солишнинг қонуний асосларини тақомиллаштириш масалалари мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.


Унда Адлия вазирлиги, Бош прокуратура ходимлари, Ички ишлар вазирлиги академияси, Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университети, Тошкент давлат юридик институти профессор-ўқитувчилари, Япониянинг Нагоя университети олимлари, JICA ва ЕвропаЭйд лойиҳалари экспертлари иштирок этди.

Анжуманда сўзга чиққанлар ҳар бир давлатнинг бошқарув органлари фаолиятида иш юритишнинг ҳуқуқий базасини яратиш мақсадида алоҳида қонун қабул қилиш, аввало, ижро ҳокимияти вазифалари ва ваколатларини амалга оширишда уларга кенг имкониятлар яратиши лозимлиги ҳақида сўз юритишди.

Айни пайтда қуйи палатада «Маъмурий процедуралар тўғрисида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқишга тайёрланмоқда. Тадбирда ушбу қонун лойиҳаси юзасидан атрофдаги фикр алмашилди, турли таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Ў.А. МУХБИРИМОВА

## «Самарқанд — гўзаллик ва нафосат шаҳри»



Кувайтнинг араб тилида чоп этиладиган нуфузли нашрларидан бири — «Ал-Ватан» газетасида эълон қилинган мақола ана шундай деб номланган. Кўхна Самарқанднинг тарихи ва меъморчилик обидаларига бағишланган мақола ранг-баранг расмлар билан безатилган бўлиб, газетанинг бир саҳифасини тўлиқ эгаллаган.

«Ушбу эртақмондан шаҳарга ташриф буюрадиган ҳар бир инсон ўзи учун нафакат дунёдаги энг кўхна шаҳарлардан бирининг тарихини, балки гўзаллик ва нафосатда тенги йўқ ёдгорликларнинг мафтуноқ олами ҳам кашф этади. Бир пайтлар маркази кўхна ва навиқрон Самарқанд бўлган буюк цивилизация тўғрисида қимматли маълумотлар олади», — деб ёзади нашр.

Шаҳар тарихи ҳақида сўзлар экан, «Ал-Ватан» буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темур Самарқандни ўз давлатининг пойтахти сифатида танлаб, уни гўзал ва бетакор шаҳарга — Шарқ дурдонасига айлантирганини таъкидлайди. «Амир Темурнинг набраси — буюк астроном, олим ва давлат арбоби Мирзо Улугбек эса Самарқанднинг файзга файз

### Эътироф

қўшиди ва унинг шон-шухратини бутун дунёга ёйди», — дейди Кувайт нашри.

Мақола муаллифлари Самарқанддаги кўхна обидалар хусусида гапириб, қадимий шаҳар қалъаси, масжид ва макбараларга алоҳида эътибор қаратган. Хусусан, «Шохи-занда» ансамблини таърифлар экан, улар вақт ўтиши билан мазкур мажмуа

меъморчилик санъатининг бекиёс намуналаридан иборат бўлган мақбара ва масжидларнинг нафис тўпламига айланиб қолганини таъкидлайди. «Амир Темур ва ундан кейинги даврларда Самарқанднинг донгини дунёга ёйиш мақсадида «Шохи-занда»ни барпо этиш учун энг моҳир усталар жалб этилгани боис у Осиёдаги меъморчилик санъатининг энг гўзал ва диққатга сазовор намуналаридан бирига айланди», — деб ёзади нашр «Ал-Ватан» саҳифаларида.

Газета, шунингдек, кўхна Самарқанднинг ижтимоий-сийсий ва иқтисодий ҳаётини ҳам қаламга олган. «Ушбу даврда шаҳар ўзининг тўқимачилик, гилам ва қозғоқ маҳсулотлари билан ҳам ном

қозongan. Самарқандда қозғоқ ишлаб чиқариш ташкил этилганидан ярим аср ўтга Бағдодда илк қозғоқ фабрикаси пайдо бўлади. Самарқанд қозғоқ ўзининг олий сифати билан бозордан Мисрнинг турли қўриқидидаги қозғоқ ва тери маҳсулотларини сиқиб чиқаргани эътиборга молик», — деб ёзади нашр.

Муаллифлар Самарқанд узоқ асрлар давомида илм-фан ва маърифат маркази сифатида ҳам ном қозонганига эътибор қаратади: «Шаҳар ҳаммиса ўзининг мадрасалари билан машҳур бўлгани самарқандликлар билим олишига катта эътибор қаратгани ва бу ерда турли фанлар юксак даражада ривожланганидан далолат беради».

Мақола сўнггида ўқувчилар эътиборига Самарқанддаги энг диққатга сазовор ёдгорликларнинг тарихи, бу ерда яшаган ва ижод қилган буюк олим ва мутафаккирлар ҳақидаги турли қизиқарли маълумотлар ҳавола этилган. «Жаҳон» АА, Ал-Кувейт.

## СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ — ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ ОМИЛИ

Президентимиз Ислам Каримов 2006 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуни ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни қўқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, иқтисодий таркибий ўзгаришлар, хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш фаолигини ошириш ва молиявий барқарорлигини таъминлашда лўхта ўйланган, солиқ юкни камайтиришга қаратилган солиқ сийёсатининг ўтказилиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Утган йили юридик шахслар даромадларидан (фойдасидан) олинадиган солиқ ставкалари 15 фоиздан 12 фоизга,


дивиденд ва фойзалардан олинадиган солиқ 15 фоиздан 10 фоизга, ягона ижтимоий тўлов эса 31 фоиздан 25 фоизга камайтирилди. Экология солиғи бутунлай бекор қилинди.

Солиқ имтиёзларидан фойдаланиш натижасида компания, корхона ва хўжаликлар қўшимча равишда 425 миллиард сўмга кўпайтирди. Бу эса инвестициянинг ўсишида, корхоналарнинг айланма маблағларини тўлдиришда ва меҳнатга ҳақ тўлашни оширишда қўшимча манба бўлиб хизмат қилади.

### Долзарб мавзу

2-бетга қаранг.

## Воқеалар, янгиликлар, хабарлар



Кутлуг тўйга тадорик кўраётган кўхна Марғилон шаҳрида бир неча маҳаллалар учун ўзига хос қўлайлик яратилди.

### Компьютерлаштирилган маҳаллалар

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси шаҳардаги эллиқдан зиёд маҳалла фуқаролар йиғини идораларига компьютер ҳада қилди. Барча компьютерлар замонавий модем алоқа тизими ёрдамида шаҳар «Маҳалла» жамғармасидаги марказий пульта уланган.

Янги тизимнинг афзаллиги шундаки, унга маҳалла аҳолисининг касби ва тоифасига дахлдор барча маълумотлар жойлаштирилади. Маҳаллада амалга оширилган тадбир ва режалар муайян муддатда жамланиб, таҳлил қилинади. Марказий пультадан зарур тавсиялар, кўрсатма ва йўриқномалар узатилиши кўзда тутилган. Бу эса шаҳар маҳаллалари ўртасидаги ўзаро таъриба алмашиш жараёнига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Компьютерлаштирилган янги тизим маҳалла идоралари фаолиятини самарали ташкил этишга кўмак бераётгани билан аҳамиятлидир.

Мухаммадjon МАХМУДОВ,  
Марғилон шаҳри.

## «Ойдинбулоқ» — хизматингизда



Ҳаётда тани сийқатликка не етсин. Тўрт мўчаси соғ одам энг бахтли инсон ҳисобланади шундан бўлса керак. Элимиз соғлигини муҳофаза

қилиш учун эса мамлакатимиз худудларидида ташкил этилаётган қишлоқ врачлик пунктларининг аҳамияти бекиёс. Избоксан туманидаги Ур-

ганки қишлоғи аҳолиси учун яқинда замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган «Ойдинбулоқ» қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Уч ярим миңг аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатувчи мазкур шифо маскани «Анд-техна» масъулияти чекланган жамияти курувчилари томонидан бунёд этилди. Суратдаги муолажа ҳамшираси Хуршида Тожиёва сингари ўрта тиббиёт ходимлари айни пайтда туманда миңг нафардан ортиқ бўлиб, уларнинг малакали хизматларидан аҳоли маннун.

Ш.ОЛИМОВ (Ў.А.)  
олган сурат.

### Қитъа чемпионати

КЕЧА пойтахтимиздаги «Саёҳат» меҳмонхонасида шашка бўйича болалар ва ўсмирлар ўртасида навбатдаги Осиё чемпионатининг тантанали очилиш маросими бўлди.

31 мартгача давом этадиган қитъа чемпионатида Ҳиндистон, Муғулистон, Жанубий Корея, Афғонистон, Покистон, Қозғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон каби жами ундан ортиқ мамлакат вакиллари ғойиблик учун баҳс юритмоқда.



## МЕН СИЗДАН ШИФО ТОПДИМ

Тошкентлик Жаҳонгир Икромов бир неча йилдан буён ногирон эди. Ун тўрт йил бурун унинг ўнг кўзи, саккиз йил бурун эса чап кўзи кўрмай қолганди. Яқинда Республика иқтисослаштирилган кўз микрохирургия марказида беморнинг ўнг кўзида кератопластика операцияси ўтказилди, яъни кўздаги чандиқ олиб ташланиб, ўрнига вафот этган одамнинг трансплантати кўчириб ўтказилди. Бу жаҳон кўз жарроҳлигида жуда мураккаб операция ҳисобланади. Ушбу ноёб операцияни марказ директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тиббиёт ходими Зафар Сидиқов амалга оширди.

— Мен ондан қайта тугилгандай бўлдим, — дейди бемор Жаҳонгир Икромов. — Ёруғ оламни яна кўришимга, фарзандларим, дўстларим, яқинларим дийдоридан тўйишимга имконият яратган шифокорларга миңдан миңг раҳмат.

Б. ЭГАМҚУЛОВ.


## ЭШИТДИНГИЗМИ

Париж шаҳридаги жаҳонга машҳур Лувр музейида илк марта ёш ўзбек дизайнерлари ишларининг кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазмада улар миллий матоларимиздан тикилган замонавий қўринишга эга либосларни намойиш этишди. Тадбир «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ташаббуси билан ташкиллаштирилди.



## ДУНЁ НИГОҲИ

— Ўзбек халқининг Наврўз уни нечоғли шоду хуррамлик ва тантана билан нишонлашини кўриб ҳавасимиз келди, — дейди австриялик сайёх Вольф Артманн. — Наврўз сайли, турли халқ ўйинлари, куй-кўшиклар, ўзбек миллий таомлари бизда унутилмас таассурот қолдирди.





ЖАҲОН

24 соат ичида

Бир қарорга келишди

Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларнинг транспорт вазири...

Гумондорлар қамоқда

Буёқ Британия полицияси 2005 йил 7 июлда Лондонда амалга оширилган терактларга алоқадорликда гумон қилиб...

Орадан ўн уч йил ўтиб...



Бундан ўн уч йил олдин «Эстония» йўловчи кемаси чўкиб кетиши оқибатида 852 киши ҳалок бўлган...

Эстония ҳукумати томонидан тузилган махсус комиссия ўрганмоқда...

«Coca-Cola»нинг сирини маълумми?

«Coca-Cola» ичимлиги таркиби компания томонидан 1886 йилдан буйи қаттиқ сир тутиб келинмоқда...


Жиний гуруҳи фотида

Лондонда Россия Федерацияси паспорти ва турли мамлакатлар гувоҳномаларини қалбакилаштириш билан шуғулланувчи гуруҳ қўлга олинди...



монидан ўтказилган махсус операция чоғида 22 киши ушланди. Қамоққа олиналарининг аксарияти Бразилия фуқароларидир...

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.



Гуллаётган Эллиққалъа



СУРАТЛАРДА: Эллиққалъа дарваси; янги саноат коллежи талабалари; Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган кишлоқ хўжалиги ходими...

Рўздат ЖУМАНИЁЗОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Агар минг йиллар муқаддам ҳаёт гуркираган заминнинг бугунги кунда бўстонга айланганини кўрмоқчи бўлсангиз...



Иқтисодий ислохотлар қандай самара бераётганига гувоҳ бўлишни истасангиз, албатта, мазкур тумандаги туб ўзгаришларни кўринг...

Кўнелингиз истиқболга ёруғ орзулар билан интилаётган ёшлар суҳбатини тусаса, ушбу гўшада ишлаб турган 5 та коллеж, битта академик лицей...

Эртанги кунга ишончи мустаҳкам фидойи инсонларнинг шижоатли меҳнатидан вужудим куч-қудратга тўлсин десангиз, Эллиққалъа туманидаги бунёдкорлик ишлари билан танишинг.



Раҳбар устидан тергов

Франциянинг «Тотал» нефть компанияси раҳбари Кристоф де Мержи айна пайтда тергов қилинмоқда. У бундан ўн йил олдин Эронда очилган янги газ қониғи ўзлаштириш ҳуқуқини кўлга киритиш учун мазкур мамлакатнинг юқори лавозимли шахсига 80 миллион доллар пора берганликда гумон қилинмоқда...

Ўзбекистон Республикаси ва Ҳиндистон Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 15 йил тўлиши муносабати билан мамлакатимизга Ҳиндистоннинг «Аж» газетаси сиёсий муҳаррири Сатя Пракаш Асим раҳбарлигидаги бир гуруҳ журналистлар ташриф буюрди.

ВАҚТ СИНОВИДАН ЎТГАН ҲАМКОРЛИК

Ҳиндистонлик меҳмонлар Тошкентда ўтказган матбуот аниқламасида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидладилар...

Ҳиндистоннинг Ўзбекистон ҳаёти ҳақида мунтазам материаллар бериб борадиган энг нуфузли нашрларидан бири — «Аж» газетаси Президент Ислам Каримов раҳнаомлигида халқимиз танилаган тараққиёт йўли ва юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар бераётган юксак самаралар, аввало, халқ фароғатлигини янада юксалтириш ва аҳолини кучли иқтисодий ҳимоя қилишга йўналтирилганга алоҳида эътибор қаратади.

Таниқли ҳинд журналисти Алок Шекяр ушбу газетда чоп этилган «Тарихий рашталар ва маданиятлар муштараклиги» мақоласида шундай деб ёзади: «Бугунги кунда мамлакат иқтисодиёти хорижий сармоядорлар диққатини тобора кўпроқ ўзига жалб этмоқда. Бунинг биринчи сабаби Ўзбекистоннинг бой табиий захиралари бўлса, иккинчи сабаби — мамлакатда қарор топган мустаҳкам сиёсий ва иқтисодий барқарорликдир».

«Аж» газетасининг ёзишича, мустақил Ўзбекистоннинг халқлари майдондаги нуфузидан тобора ошарётган сабаблардан яна бири юртимизда илм-фан, маданият, маърифат ва санъат равишига, қадимий миллий қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантиришга қаратилган улкан эътибордир. «Яқинда Самарқанд Бухоро аэропортини қириб, — деб ёзади Алок Шекяр «Ўзбекистоннинг хар гапиди меҳр муҳассам» мақоласида, — бунга яна бир бор амин бўлишимиз: хар қадамда қадимий обидлар қад ростлаб турибди, хар қадамда — азиз-авлиё, пир устозлар хоки. Иккинчи ҳафтада, Ўзбекистоннинг хар бир гушасини яёв зинад. Чўки, ҳеч чикан бўлган илму олим, тафаккур бир юртда илму олимга донг турган билан эти-авлиёлар бу қадар кўп эмас. Шу боис бу қадар кўп қаршида нафақат биз, ҳиндлар, балки бутун дунёнинг мана-мана деган зотлари ҳам хайратда».

Табиир доирасида «Ўзбекистон-Ҳиндистон — вақт синовидан ўтган ҳамкорлик» ҳужжати фильмининг тақдимоти бўлди. Унда ўзбек ва ҳинд халқлари ўртасидаги қадимий алоқалар ва истиқлол йилларида мамлакатларимиз ҳамкорлиги натижасида эришилган ютуқлар ҳақида ҳикоя қилинади.

Назира МАНУРОВА, ЎЗА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ

Кундузги бўлимини 2006-2007 ўқув йилида битираётган бакалавр ва магистрлар ҳақида маълумот

Table with columns for No, Ta'lim йўналишлари, мутахассисликлар, Бакалаврият, Магистратура, and JAMI. Includes rows for various regions like Toshkent, Andijon, Bukhoro, etc.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, «Оққўрғон» кўчаси, 2-уй. Телефонлар: 68-09-91, 68-08-28.

24 март — Бутунжаҳон силга қарши кураш куни

Сил касаллиги — инсон ҳаёти учун низоҳатда ҳавфли бўлган юқумли дардлардан биридир. Мамлакатимизда бу хасталиқнинг олдини олиш ва даволаш ишлари хар тарафлама малакали йўлга қўйилган. Жумладан, юртимизда Силга қарши кураш Миллий дастури амалга оширилган. Ушбу дастур ижросига 2005 йилнинг 1 март кундан бошлаб халқаро миқёсда қатта нуфузга эга бўлган ОИТС, сил ва безгакка қарши кураш Глобал жағмармаси ўз ҳиссасини қўшмоқда. Мазкур жағмарма гранти беш йил мудатта режалаштирилган бўлиб, унда белгиланган вазифаларни рўйбга чиқариш учун 13.8 миллион АҚШ доллари миқдоридида грант сармоя ажратган.

лан шуғулланганидан врачларнинг малакасини оширишга сарфланмоқда. Миллий дастурда белгиланган вазифалар юзасидан мунтазам равишда тренинглар ва мониторинглар уюштирилмоқда. Айниқса, сил ва ОИВ касалликларини вужудга келтирувчи инфекцияларга қарши кураш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2006 йилда 1310 нафар ОИВ/ОИТС-га ўраган беморларни даво-

ЭЛ СОҒЛИҒИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

Силга қарши кураш миллий дастурида аҳоли ўртасида сил касаллигига чалинганларни аниқлаш ҳамда даволаш, сил ва ОИВ аралаш хасталиқларини келтириб чиқарувчи инфекцияни назорат остига олиш, шунингдек, турли минтақаларда сил касаллигининг сурункали шакллари ташхисlash ва даволаш — устувор вазифалар сифатида белгиланган. Глобал жағмарма гранти юқоридида кўрсатилган барча фаолиятларни қамраб олади. Айни пайтда, Тошкент шаҳрида, Самарқанд, Қашқадарь, Хоразм вилоятларида сил касаллигига ўчраб, амбулатория босқинчида даволанаётган беморларни иқтисодий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундан ташқари, Тошкент ва Қашқадарь вилоятларида бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш тизимида меҳнат қилиб, сил билан оғирган беморларга қараётган тиббиёт ҳамшираларининг транспорт харажатлари тўла қопланмоқда. Андижон ва Бухоро вилоятларидаги кишлоқ, врачлик пунктларида ишлаб, сил касаллиги билан хасталанган беморларга патронажлик хизматини

минг нафари учун турли хил дорилар харид қилинди. Сурункали сил касаллигига ўраган, даволаш муддати 2 йилга чўзилиб, бунинг харажatlари 4 минг АҚШ долларини ташкил этадиган беморлардан 60 нафари учун зарур бўлган энг қимматбаҳо дорилар ҳам грант маблағлари ҳисобидида олинди. Сил билан оғирган беморнинг бевосита врач назорати остида даволаниши — силга қарши Миллий дастурнинг асосий талабларидан биридир. Бундай йўналишдаги фаолият даволанишнинг, айниқса, амбулатория босқинчида тақомиллаштирилиши мумкин. Шу боисдан, Глобал жағмарма ажратган маблағнинг салмоқли қисми тиббиёт ҳамшираларининг ҳамда умумий тиббий амалиёт тизимида ишлаб, сил билан оғир шохлатини ташхисlash ва рўйхатга олиш билан шуғулланадиган врачларнинг малакасини оширишга сарфланмоқда. Миллий дастурда белгиланган вазифалар юзасидан мунтазам равишда тренинглар ва мониторинглар уюштирилмоқда. Айниқса, сил ва ОИВ касалликларини вужудга келтирувчи инфекцияларга қарши кураш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2006 йилда 1310 нафар ОИВ/ОИТС-га ўраган беморларни даво-

Коллежда тикувчилик цехи

Жиззах энгил саноат касб-хунар коллежи бир неча йил олдин Осие тараққиёт банкнинг 301 миллион сўмлик грантига сазовор бўлганди. Ана шу маблағ ҳисобига замонавий жиҳозлар келтирилиб, янги лабораториялар, компьютер хоналари, тикувчилик цехи ташкил этилди. Ўтган йили фаолиятини бошлаган тикувчилик цехида мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари учун махсус кийимлар тикилмоқда.

Бахриддин САТТОВОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Advertisement for «ОКСИГУМАТ» fertilizer. Includes text about its benefits for crop growth and a list of products with prices.

Advertisement for Uzbekistan Republic Agency for Investment Promotion. Lists various investment opportunities and contact information.

ЁШЛАР ХАЁТИ



Ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман кенгашида Альбертни яхши кутиб олишди. Уни қийнаётган муаммолар, қизиқишлари ҳақида сўрашди. Кенгаш раиси Мансурбек Мадиев билан унинг суҳбати анча давом этди.

«Камолот»: ФАОЛИЯТДА ТАШАББУС БЎЛСИН

«Камолот»чилар А. Хариовни компьютер саводхонлиги курсига жойлаштиришди. У мактаб машғулотларидан бўш вақтини шу ерда ўтказиб, тез орада «акли машина»ни бинойиддай бошқарадиган бўлди. Ҳозирда у ёшлар ўртасида ўтказиладиган тадбирлар учун «Фахрий ёрлик»лар, турли дипломлар, сертификат ва бошқа иш қўғозларини бинойидек тайёрлаб берапти.

«Камолот»чилар сафида. Улар 90 та бошланғич ташкилотга бирлашишган. Етакчилар ёшлар билан ишлашнинг самарали йўлларида фойдаланиб, ҳаракат обрўсини оширишга муваффақ бўлишганди. Бу асосан йигит-қизларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларни ижтимоий фойдали юмушларга жалб этишда кўзга ташланади. Кейинги пайтларда ишчи-юрган ёшлар касб-хўнари ўрганишлари учун махаллий хўнарандларга бириктириб қўйилмоқда. Усталар эса ҳар бир қишлоқ, маҳаллада топилади. Масалан, Тўда қишлоғида яшовчи заргар Машрабхон Эргашева «Камолот»нинг таклифи билан уч нафар ёшнинг шогирдликка олди. Ундан хўнари ўрганган Илёс Қорабоев бугун нозик касбнинг чинакам эгаси. Хўжабодда эса Сардор Ирисов билан Орифжон Хайдаров устозлари Абдуқаҳҳор Ҳожиёвдан ёғоч ўймакорлигини ўрганишди.

Спорт

Нукус транспорт касб-хўнари коллежида Буюк Британияда ўтказилган Юртбошимиз, Кураш халқаро ассоциацияси фахрий Президенти Ислам Каримов аънанавий халқаро турнири ғолибаси Индира Илосова билан учрашув бўлди.

Анастасия Гимазетдинова пешқадимлар сафида Японияда фигурали учин бўйича жаҳон чемпионати давом этмоқда.

Чемпион билан учрашув У нуфузли турнир шоху-пасига айланган шу касб-хўнари маскани спорт майдончасидан старт олган эди. Спортчи Кирилликда ўтказилган кураш турнирида 57 килограмм ваънда мулқак биринчилигини эгаллади. Тадбирда чемпионнинг мураббийлари Ж. Серикбоев, Р. Холиқовлар ҳам иштирок этдилар.

МуСОБАҚАДА ҲАМЮРТИМИЗ Анастасия Гимазетдинова муваффақиятли иштирок этапти. Маҳоратини аста-секин ошириб бораётган спортчимиз қисқа дастурда 49, 99 балл жамғариб, пешқадимлар сафидан жой олиб турибди.

Мадагаскарда кураш байрами

КХА матбуот хизматининг Африка кураш конфедерацияси президенти Томас Дункер маълумотига таяниб хабар беришча, чемпионати ўтказиш учун жиддий ҳозирлик қилинган. Айнан муСОБАҚА қунари Мадагаскар кураш конфедерацияси расман давлат рўйхатидан ўтказилди. Бу билан Кураш халқаро ассоциациясига аъзо федерациялар сони 87 тага етди. Бу йилги чемпионатда китанинг 20 давлатидан келган 200 нафарга яқин полвонлар гиламга чиқдилар. Чемпионат беллашувлари олдиндан катта экранда кураш ва тани УЎбекистон, унда амалга оширилётган ислохотлар, миллий спортимиз тарихи ва

Мулқчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига! Самарқанд вилояти ҳокимлиги «Иссиқлик манбаи» очик акциядорлик жамияти қуйидаги иншоотни тўлалигича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича танлов савдоси эълон қилади: Самарқанд шаҳридаги РК-1 қозонхонасидаги ДҚВР-10/13 №6 иситиш қозонини капитал таъмирлаш.

Буюртмачи бошланғич нархи — 63 061 456 сўм. Қурилиш муддати — 2 ой. Қурилиш ишлари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази. Буюртмачи манзили: Самарқанд шаҳри, А.Икромов кўчаси, 88-«А» уй. Телефон: (8-3662) 22-71-01. Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 60 000 (олтмиш минг) сўм. Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига такдим этишни охири муддати — оферталар очилиш кунини ва соатиғача. Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, «Кўксарой» майдонида, соат 16.00 да, Самарқанд вилояти ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИНING «УНИВЕРСАЛ БИРЖА МАРКАЗИ» МЧЖ 2007 йил 10 апрель кунини соат 11.00 да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2006 йил 3 майдаги 418/2-сонли ижро ҳужжатига асосан такдим этилган ва Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, «Маслозавод» кўчаси, 2-уйда жойлашган «Прогресс қурилиш сервис» МЧЖ омиборида сақланаётган қуйидаги мулкларни кўймоқда: ППҚТ-38 рўсумли ярим-тиркама (полуприцеп) цистерна (ҳажми — 38 м³, шасси №439СAТ11050005159, 2005 йилда ишлаб чиқарилган). Бошланғич баҳоси — 80 000 000 сўм. ППҚТ-38 рўсумли ярим-тиркама (полуприцеп) цистерна (ҳажми — 38 м³, шасси №439СAТ11050005197, 2005 йилда ишлаб чиқарилган). Бошланғич баҳоси — 80 000 000 сўм. ППҚТ-38 рўсумли ярим-тиркама (полуприцеп) цистерна (ҳажми — 38 м³, шасси №439СAТ11050005176, 2005 йилда ишлаб чиқарилган). Бошланғич баҳоси — 80 000 000 сўм. ППҚТ-38 рўсумли ярим-тиркама (полуприцеп) цистерна (ҳажми — 38 м³, шасси №439СAТ11050005150, 2005 йилда ишлаб чиқарилган). Бошланғич баҳоси — 80 000 000 сўм. ППҚТ-38 рўсумли ярим-тиркама (полуприцеп) цистерна (ҳажми — 38 м³, шасси №439СAТ11050005200, 2005 йилда ишлаб чиқарилган). Бошланғич баҳоси — 80 000 000 сўм. ППҚТ-38 рўсумли ярим-тиркама (полуприцеп) цистерна (ҳажми — 38 м³, шасси №439СAТ11050005202, 2005 йилда ишлаб чиқарилган). Бошланғич баҳоси — 80 000 000 сўм. ППҚТ-38 рўсумли ярим-тиркама (полуприцеп) цистерна (ҳажми — 38 м³, шасси №439СAТ11050005203, 2005 йилда ишлаб чиқарилган). Бошланғич баҳоси — 80 000 000 сўм. ППҚТ-38 рўсумли ярим-тиркама (полуприцеп) цистерна (ҳажми — 38 м³, шасси №439СAТ11050005175, 2005 йилда ишлаб чиқарилган). Бошланғич баҳоси — 80 000 000 сўм. ППҚТ-38 рўсумли ярим-тиркама (полуприцеп) цистерна (ҳажми — 38 м³, шасси №439СAТ11050005164, 2005 йилда ишлаб чиқарилган). Бошланғич баҳоси — 80 000 000 сўм.

Бултур шундай ёшлардан 95 нафари ижтимоий ҳаракат тавсияси билан қосиб, дўпдўз, темирчи, чевар, тунукасоз сингари оммавий касбларни ўзлаштиришди. Қўвонарлиси, уларнинг қўмчилиги устозлари билан ёнма-ён ишлашганди.

— Ижтимоий ҳаракат ўз номи билан доимий ҳаракатда бўлиши лозим, — дейди «Камолот»нинг туман кенгаши раиси М. Мадиев. — Бироз нафаси ростилаб олай деган киши ҳаётдан орқада қолади. Масаланинг ана шу жиҳатиға эътибор қаратиб, чекка-чекка худудлардаги йигит-қизларни ҳам сағларимизга жиқлаштиришимиз. Чунки, қишлоқларда ёшларнинг маданий дам олиши, уларни ишга жойлаштириш, маҳалла-қўй, мактабдаги фаоллигини таъминлаш борасида муаммолар етарли-да. Масалаларни йигит-қизларнинг бевосита иштирокида ҳал этаётганимиз доимо йил келмоқда.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Эринмаган одамлар Соқчилар футбол кўйрағанда...



Ёшлиғида бирор марта бўлса-да, футбол ўйнамаган одам топилмас керак. Қизиқарли футбол беллашувларини ҳам барчамиз мириқиб томоша қиламиз. Бирок Руминия қамқононаси қўриқчиларининг миллионлар йўниға ҳаддан зиёд ишқибозлиғи қимматга тушди. Гап шундаки, мамлакатнинг Крайова шаҳри қамқононаси қўриқчилари телевизор орқали Европа чемпионлар лигасининг «Реал» (Мадрид) ва «Бавария» (Мюнхен) жамоалари ўртасидаги учрашувини кўришди. Учрашувга бор диққат-эътиборини қаратишган қўриқчилар ҳушёрлиқни унутиб қўйишди. Оқибатда беш нафар махбус турманинг панжарасини бўзиб қочиш қилди.

Тўғри, қочқоқлар ярим соат ичида хавфсизлик идоралари ходимлари томонидан қўлга олинди. Уларға камида тўрт йилдан қўшимча жазо муддати қўшиб берилиши кутиляпти. Бундан ташқари қамқонона маъмурияти футболсевар қўриқчиларға ҳам чора қўришни унутишмади.

Шишадаги муҳаббатнома

Муҳаббатнинг буюк ва ҳар нарсасага қодир куч эканлиғини яхши биламиз. Буюк Британиянинг шарқий қирғоғидаги Брайтон курорт-шаҳарчасида яшовчи 45 яшар Стюарт Конвей минглаб шиша идишларга дил изҳорларини ёзиб, денгизга ташлашни одат қилиб олди.



Бир неча йилдики, «мажнун» Конвей шиша идишларга севги изҳорини ёзади-да, номаълум манзилларға жўналади. Унинг номалари Германия, Голландия, Франция ва Швеция давлатларига етиб борган.

Аниқланишича, у шиша идишдаги изҳорларға буюртма оларкан. Унинг шахсий веб-сайтига кирувчилар дил изҳори матнини ёзиб беришди. Кейин қандай шиша идишда қўнатилиши кераклигини қўриқчи ўтишди. Қизғини, Стюарт Конвей бу хизмати учун пул сўрамайдди. Қўпчилиги унга «муҳаббат элчиси», дея талхалус қўйишган. Шу қўнчага «муҳаббат элчиси» тўрт мингта яқин киши идишларға қўнғил изҳорини ёзиб жўнатишға улғурди.

Омонулло ФАЙЗИЕВ тайёрлади.

Тошкент вилояти хўжалик судининг 2007 йил 6 мартдаги ҳал қилув қарорига асосан

МЧЖ шаклидаги «Каолин» ҚК

БАНКРОТ ДЕБ ЭЪТИРОФ ЭТИЛИБ, УНГА НИСБАТАН ТУГАТИШ ИШЛАРИ БОШЛАНГАН

Тошкент вилояти хўжалик судининг 2007 йил 6 мартдаги ҳал қилув қарорига қўра, тугатиш бошқарувчиси этиб Шарапов Захиржан Утқурович тасдиқланган.

Корхона ишлаб чиқариш фаолиятини тўхтатмаган. «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунға биноан қарздор банкрот деб эътироф этилган пайтдан бошлаб, унинг маблағлар бўйича барча мажбуриятларининг бажарилиш муддати кўчға кирган ҳисобланади.

Қарздор — МЧЖ шаклидаги «Каолин» қўшма корхонасига нисбатан қонунда белгиланган тартибда талаблар қўйилиши мумкин.

Талаблар эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб икки ойдан кеч бўлмаган муддат ичида тугатиш бошқарувчиси номиға юборилиши лозим.

Талаблар тугатиш бошқарувчиси номиға мазкур талаблар расмийлигини тасдиқловчи қуйидаги ҳужжатлар (шартномалар, юк хатлари, қабул қилиш-топириш актлари ва ҳоказолар) илова қилинган ҳолда юборилиши лозим.

Пул маблағлари миқдори бўйича талаблар суд қарорининг қонуний қўчға кирганлиғи ёки қарздорнинг мазкур талабларни тан олишини тасдиқловчи ҳужжатлар (қарздорнинг белгиланган тартибда ўзаро ҳисоб-китобларни тасдиқлаган акти ва ҳоказолар) орқали белгиланади.

Талабларни қуйидаги манзилға юбориш лозим: 110200, Ангрен ш., МЧЖ шаклидаги «Каолин» ҚК.

Тугатилаётган банкрот-корхона —

МЧЖ шаклидаги «Каолин» ҚК

Ўз мол-мулкни баҳолаш учун танлов эълон қилади

Танловда иштирок этишға Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг тегишли лицензиясига эға бўлган профессионал баҳоловчилар ва баҳоловчи фирмалар таклиф этиладилар.

Таклифлар 2007 йил 29 март кунини соат 17.00 дан кечикмасдан МЧЖ шаклидаги «Каолин» ҚК тугатиш бошқарувчиси номиға қуйидаги манзилға юборилиши лозим: 110200, Ангрен шаҳри, МЧЖ шаклидаги «Каолин» ҚК.

Таклифлар 2007 йил 30 март кунини соат 10.00 да ўтказиладиган МЧЖ шаклидаги «Каолин» ҚК кредиторларининг йиғилишида қўриб чиқилади.

Баҳоловчи билан баҳолаш ишларини бажариш бўйича шартнома кредиторларнинг йиғилиши қарорига қўра тузилади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 9.00 дан 18.00 гача 136-09-25 132-10-63 242-хона E-mail: Xalk\_suzi@rambler.ru

OTKAZIV YUBORMANG www.worldfood.uz worldfood UZBEKISTAN • 2007 7-O'zbek Xalqaro KO'RGAZMA OZIQ-OVQAT SANOATI 27-29 MART 2007 O'zeksposmarkaz Tel.: 113 01 80, fax: 152 51 64 www.ite-uzbekistan.uz

Халқ сўзи Народное слово МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ТЕЛЕФОНЛАР: Газетчилар билан алоқа ва миттақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиғида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 42233 нухсала босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмақонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА яқуни — 21.15 Тоширилди — 22.30 2 3 4 5 6